# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 31 июль, № 148 (5822) Чоршанба


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## БИЗ ВА ЖАҲОН

*Малайзиядаги Петронас технология университетида "Ўзбекистон: Мустақилликнинг 22 йили" мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Куала-Лумпурдаги дипломатия миссияси кўмагида ташкил этилган мазкур тадбирда Малайзиянинг ишбилармон доиралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, мазкур олий ўқув юртининг ўқитувчи-профессорлари ва талабалар иштирок этди.*

### Ўзбекистон эришган муваффақиятлар Малайзияда намойиш этилди

Давра суҳбатида Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йиллари мобайнида қўлга киритилган муваффақиятлар, тараққиётнинг "ўзбек модели"га хос бўлган тамойиллар, сўнгги йилларда юртимиз иқтисодиётида эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда Ўзбекистон — Малайзия ҳамкоригининг истиқболлари хусусидаги атрофлича маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Давра суҳбати иштирокчилари республикамизда ҳаётга татбиқ этилаётган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар, Президент Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуига бағишланган халқаро конференциядаги нутқи билан ҳам яқиндан танишдилар.

Петронас технология университетида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ўлкамизнинг тарихи, меъморчилиги, санъати ва замонавий салоҳиятига бағишланган тақдимотлар ўтказиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, улар ана шундай мавзуларга бағишланган тадбирларнинг мунтазам ташкил этилиши ўзаро ҳамжиҳатликка, икки мамлакат халқларини янада яқинлаштиришга хизмат қилишини таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда).



## КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

### бугунги кунда ўз самараларини бермоқда

*Бугуннинг қадри кечаги кун билан таққосланганда билинади. Истиқлол йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар, эришилган муваффақиятларни эътироф этган ҳолда, биргина тиббиёт тизимида рўй берган янгиланишларни кўз олдимизга келтирсак, мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида нечоғли дадил одимлаётганига гувоҳ бўламиз.*

**ТИББИЁТ**

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини янги босқичга кўтарди. Энг муҳими, ушбу янгиланишлар фақат шаҳар ёки туман марказларида эмас, балки чекка қишлоқларда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Пировардида олис ҳудудларда яшовчи аҳоли учун тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди. Хусусан, замонавий тиббий муассасаларнинг бунёд этилаётгани, уларнинг илғор техник ва даволаш ускуналари билан жиҳозланиши соғлиқни сақлаш тизимидаги халқаро тажрибаларни амалиётда кенг қўллаш имкониятини яратмоқда.

Шу жиҳатдан қараганда, Қамаши тумани тиббиёт бирлашмаси фаолиятини тиббиётимиздаги янгиланишларнинг ўзига хос ифодаси, дейиш мумкин. Айниқса, мазкур тиббий муассаса учун янги бино барпо этилгани диққатга сазовор. Чунки бу ерда 3 миллиард 450 миллион сўмлик маблағ эвазига қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганидан кейин, даволаш кўлами янада кенгайди. Умумий майдони 6,5 гектарни эгаллаган шифо масканида бири-бирига қулай тарзда жойлашган диагностика, лаборатория, шошилинч тиббий ёрдам, жарроҳлик бўлимлари, гинекология ва туғуруқ мажмуаси, физиотерапия, терапия бўлинмаси ҳамда қон қуйиш маркази аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Терапия бўлинмасининг ўзида неврология, кардиология ва терапия бўлимлари борки, улар бир вақтнинг ўзида 325 кишини қабул қилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).



*Истиқлол сурури*

## БУЮК ТАМАДДУНЛАР ВАТАНИ

*Касбимиз ажойиб. Бугун тоғу тошда бўлсак, эртага ҳадсиз-ҳудудсиз саҳродамиз. Гоҳида уйдан ёзда чиқиб, қишда қайтамиз. Баъзида игна билан қудуқ қазишгаям тўғри келади.*

*Не бахтки, мустақиллик бизга тарихий илдизларимизни чуқур ўрганиш имконини берди. Ўзлигимизни танитди. Қадимшуносликда янги саҳифа очилди. Шу кунларда пойтахт вилоятининг Оҳангарон воҳасидаги тарихий манзилгоҳларни ўрганаяпмиз. Масалан, ҳозир "Кўлбулоқ"дамиз. Ҳарорат 42 даража иссиқ. Кун тиғида тепаликка оёқ босиб бўлмайди. Машиналаримиз суви қайнайди. Лекин бу шаштимизни қайтаролмайди.*

*Лойиҳамиз Ўзбекистонда тош даврини ўрганиш муаммоларига бағишланган. Жуда катта илмий-маданий аҳамиятга эга. Бу ердан топилаётган тош даврига мансуб ашёлар, масалан, қурол-яроқ, меҳнат ва хўжалик аслаҳаларининг 25-35 минг йиллик тарихи бор. Буни кўриб, экспедициямиз таркибидаги хорижлик ҳамкасбларимиз ҳайратланиб, кўзларини катта очиб "Сизларга қойил!" дея чапак чалиб юборишди.*

*Халқимизнинг зўр бир шоири юртимизга қараб "Римни алишмасман бедапоянгга", деб ёзган. Муболағаси йўқ, тўғрисиям шу-да! Ахир бундай юрт қаерда бор?! Одамнинг ақли шошади — ҳар қарич ерида бир ҳикмат бор, ҳар тоши мингйилликнинг нарисидан сўзлайди.*

*Демак, бу муқаддас тупроқ одамзодни тетапоя қилган, бешигини тебратган. Бу Ватан тупроғини кўзга суртсак арзийди, замондош!*

**Ғайратхон МУХТОРОВ,**
**«Кўлбулоқ» экспедицияси аъзоси, археолог.**

**1991**



**2013**

**1995 йил**

● Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Бош вазирнинг ўринбосари этиб тайинланди.

● **Тошкентда беш минг рақамга мўлжалланган Ўзбекистонда биринчи рақамли электрон АТС фойдаланишга топширилди.**

● Навоий кон-металлургия комбинатининг Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводи ишлаб чиқариш қувватларининг биринчи навбати ишга туширилди.

● **Мамлакатимизда иқтисодиёт ва маданият юксалишига, халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун "Меҳнат шуҳрати" ордени ҳамда фуқароларимизнинг Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилик ва мардлиги учун, Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини ҳамда миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун "Шон-шараф" ордени таъсис этилди.**

● Минтақамизда ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши саналган — Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, шунингдек, мамлакатимизда замонавий туризм саноатини вужудга келтириш мақсадида Президентимизнинг "Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

● Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)га буюк олим Мирзо Улуғбек номи берилди.

## Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш

### мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг изчиллигини ўзида намоён этади

*Бугунги кунда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган устувор йўналишлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу эса юрт равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилгани билан ниҳоятда долзарбдир.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Хусусан, айни пайтда ушбу дастуриламал ҳужжатда белгилаб берилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган илғор ташаббуслар амалиётда ҳам ўз инъикосини топиб бораяпти. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилиб, унинг доирасида бир қатор ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳуқуқий эксперимент ўтказувчи Ишчи комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган вақт мобайнида ҳуқуқий эксперимент доирасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

(Давоми 2-бетда).

**2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ**

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати йиғилиши бўлиб ўтди. ЎзКУФК раиси Танзила Норбоева олиб борган йиғилишда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Федерация томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.*

## Амалий натижалар муҳокамаси

Қайд этилганидек, касаба уюшмалари Дастурда белгиланган вазифалар ижросини, хусусан, мамлакатда барқарорлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатлари муҳофазаси, жамият фаровонлиги ва тараққиёти изчил ўсишини таъминлашда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирга фаол иштирок этмоқда. Айниқса, аҳолини, энг аввало, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида янги иш ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳисобот даврида корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимларга тизимли равишда ижтимоий кўмак берилганига тўхтаб ўтилди. Жумладан, 48 минг 502 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига 5 млрд. 896 млн. 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Янги оила қурган ёшларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар бериш, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларга шартнома пуллари қопланиши ҳам касаба уюшмалари диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

**2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, мамлакатимизда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми**

**10,5** **фоизга ўсди.**

Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, стратегик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш бўйича кўрилган амалий саъй-ҳаракатлар туфайли ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.




## Истиқлол сурури

## ОСМОНИМИЗ МУСАФФО, ПАРВОЗИМИЗ ЮКСАК

*“UZBEKISTAN”. Байроғимиз ранглари балқиб турган “пўлат қушлар”га ана шу сўз муҳрланган. Уларни бошқариш эса улкан шараф ва масъулиятдир. Ҳар сафар штурвалга ўтириб, кўкка кўтарилганимда, она-Ватаним жамолини ўзгача ғурур билан томоша қиламан. Осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлиги учун беадад шукроналар айтаман. Касбим тақозоси билан дунёнинг кўп давлатларига бораман-у, юртимни дарров соғиниб қоламан. Шунинг учун тезроқ Ўзбекистонга қайтиб борсам, яна ўша гўзал манзараларни кўриб, севинсам дейман. Юртимиз сарҳадларига кириб келишим билан эса яна ўзимни қушдек енгил ҳис қиламан.*

*Дарвоқе, бугун самолёт паркимиздан тортиб, хизмат кўрсатишгача, инфратузилмадан тортиб, кадрлар тайёрлашгача бўлган барча тармоқларда дунёнинг энг илғор давлатларидан кам эмасмиз. “Боинг”, “Эйрбас”нинг энг сўнгги русумдаги лайнерлари, ўзимизда ишлаб чиқарилган “Ил-114/110” йўловчиларга ишончли, хавфсиз, замонавий хизмат кўрсатиб келаяпти. Уларни ўзбекистонлик мутахассислар бошқаришаяпти. Айниқса, ёш учувчиларимиз ғайрат-шижоат бобида бошқаларга ўрнак. Яқин йилларда фуқаро авиациямиз дунёдаги саноқли ва “келажак техникаси” дея ном олган “B-787 Dreamliner” лайнерлари билан бойийди. Бу парвозимиз янада юксак, кўзлаган манзилимиз янада яқин бўлишидан далолатдир.*

**Дилшод ЗОКИРОВ,**
**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «Боинг» ҳаво кемаси командири, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

**1991**



**2013**

### 1996 йил

● Мазкур йил Президентимиз таклифига биноан, “Амир Темур йили”, деб эълон қилинди. Соҳибқироннинг нафақат Ватанимиз ва миллий давлатчилигимиз, балки дунё тарихида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга буюк шахс эканлиги турли тадбирлар, халқаро анжуманлар ва симпозиумларда алоҳида эътироф этилди.

**● Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда миллий чемпионатимизни ривожлантириш, олий ва биринчи лигалардаги клубларнинг моддий-техник базасини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.**

● Тошкентда ЮНЕСКО ҳомийлигида қуёш, сув ва шамол энергиясидан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

**● Лозаннада жойлашган Халқаро Олимпия қўмитаси бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпия олтин орденининг тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.**

● Мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш, баркамол авлод бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган ташкилот — «Камолот» ёшлар жамғармаси (ҳозирги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати) ташкил этилди.

**● Профессионал бокс тарихида илк бор Ўзбекистон вакили — спортчимиз Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлди. У Германиянинг Гамбург шаҳрида Пуэрто Риколик таниқли боксчи Антонио Риверани 12-раундда нокаут қилди.**

● Асака шаҳрида автомобиль ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Ўзбекистон жаҳон автомобилсозлик саноатига эга давлатлар қаторига қўшилди.

**● Бостон коллежида «Ўзбекистон: мустақилликнинг беш йили» мавзуида илмий семинар, Гарвард университетида эса «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг тақдимоти ўтказилди.**

● «Амир Темур» ордени таъсис этилди. Биринчилардан бўлиб Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари ушбу орден билан мукофотланди.

**● «Тошкент трактор заводи» конвейеридан ТТЗ-130 русумли дастлабки ўнта трактор чиқди.**

● Пойтахтимизда Олимпия шуҳрати музейи очилди. Мазкур маросимда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамда Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч иштирок этди.

**● Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

● Юртимизда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи «Нуроний» жамғармаси ташкил этилди.

# Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш

## мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг изчиллигини ўзида намоён этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларида илк бор қонун лойиҳаси меъёрларини синовдан ўтказиш мақсадида вақтинчалик ҳуқуқий майдон яратилди. Бу мазкур субъектларнинг янгича шарт-шароитларда ишлаши, фуқароларга эса уларнинг фаолияти ҳақида қўшимча маълумот олишлари учун кенг имконият яратди. Мутахассисларнинг айтишича, синов вазиятни бевосита жойларда муҳокамадан ўтказиш, келиб тушган таклиф ва тавсияларга асосланиб олинган натижалар ёрдамида қонун лойиҳасини такомиллаштиришда салмоқли роль ўйнайди. Ўз навбатида, бу эксперимент субъектлари — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ўз фаолияти очиқлиги тўғрисида жамоатчиликка батафсил маълумот беришни тақозо қилади. Қайд этиш жоизки, бу амалиёт давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорликда самарали иш олиб бориши, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Қолаверса, фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг сиёсий фаоллигини оширади.

Қайд этилганидек, ҳуқуқий эксперимент доирасида олинган маълумотлар таҳлили истиқболдаги вазифа ҳамда режаларни белгилаб олишда айни заруратдир. Бу эса эксперимент самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Бинобарин, ўтган уч ой давомида амалга оширилган ишлар ҳам аҳолига маълумотларни тақдим этиш механизмлари сезиларли даражада яхшиланганини кўрсатмоқда.

Йиғилишда ҳуқуқий тажриба доирасида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилганига урғу берилди. Унинг бориши ҳақида кенг жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини муфассал бохабар этиш, жисмоний ва юридик шахслар учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жабҳаларда қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳақида маълумот олиш имкониятларини яратиш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ҳуқуқий эксперимент пайтида ўтказилган социологик тадқиқотлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари, шунингдек, қонун лойиҳаси нормаларининг самарадорлигига доир эксперт баҳолари ҳар томонлама таҳлил этилиши ва умумлаштирилиши ҳам жой олган.

Ишчи комиссия йиғилишида қонун лойиҳаси бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ишларини тегишли талаблар асосида маромига етказиб борганига тўхталиб ўтилди. Унда бу борада тегишли ахборотлар тақдим этилди.

— Ҳуқуқий эксперимент доирасида вилоятдаги қирққа яқин давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари расмий веб-сайтлари очилди, — дейди **Бухоро вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари Акбар РУСТАМОВ**. — Мазкур “он-лайн” манзилларда ҳокимликлар, қолаверса, вилоят ҳудудидаги бошқармалар фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилаяпти. Вилоятда агар 3 ойлик таҳлилларни кўрадиган бўлсак, шу пайтга қадар 1200 га яқин ахборот сўровлари келиб тушди. Шундан 400 га яқини оммавий ахборот воситалари ҳиссасига тўғри келади. Мурожаат қилганларга иложи борича сўров берилган куннинг ўзида жавоб қайтарилаяпти.

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Манноп ИБОДУЛЛАЕВ**нинг айтишича, вилоятдаги барча шаҳар ва туман ҳокимликларида веб-сайтлар иши ташкил этилди.

— Қолаверса, ҳуқуқий эксперимент сифатида рўйхатга олинган субъектларнинг 33 тасида веб-сайтлар дизайни қайта кўриб чиқилиб, уларнинг 14 таси янгиланди. Ҳозиргача вилоятда ҳуқуқий эксперимент мавзусида 110 дан зиёд чиқишлар қилинди, 12 та матбуот анжумани ўтказилди. Умуман, жараёнлар давомида 1500 дан ортиқ сўров олиниб, уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилди. Қонун лойиҳасига мувофиқ, агар сўров ушбу субъектга тегишли бўлмаса, у тегишли субъектга йўналтирилиши керак. Амалиётда ушбу нормани ҳам қўлладик.

Тадбирда ҳуқуқий экспериментда Бухорода 88 та, Самарқандда эса 91 та, жами 179 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи қатнашаётгани хусусида ҳам сўз борди. Уларнинг барчаси ўз фаолиятларининг очиқлигини турли услубларда намойиш этмоқда. Эксперимент субъектлари веб-сайтларини такомиллаштириш, ОАВда тегишли материалларни эълон қилиш, ахборот-кутубхона ва архив фондларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш кабилар бунга мисол бўла олади.

Статистика маълумотларига кўра, ҳисобот даврида архив фондларига 1105 та, ахборот-кутубхона фондларига эса 1322 та сақлаш бирлигидан иборат маълумотлар топширилган. Уларнинг аксарияти электрон кўринишдадир. Бу эса электрон маълумотларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тобора оммалашаётганини кўрсатади.

Фойдаланувчилардан келиб тушган сўровларга қараганда, бунда энг кўп қизиқиш уйғотган мавзу (24 фоиз) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тўғрисидаги умумий ахборот бўлди. Мурожаатлар билан қандай иш олиб борилаётгани ҳақидаги сўровлар 12, давлат идоралари фаолиятига оид статистик маълумотлар 11, уларнинг норматив-ҳуқуқий ижодкорлигига оид ахборотлар 10 фоизни ташкил этди. Жорий қиёсий таҳлил замирида фуқаролардан қоғоз, электрон ва оғзаки тарзда келиб тушган юзлаб сўровлар мужассам бўлиб, бу ҳуқуқий экспериментда иштирок этишга бўлган интилишнинг ортаётганини кўрсатди.

Хўш, иккинчи босқичда нималарни рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда?

**Ишчи комиссия аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олим ЎСАРОВ**нинг маълумот беришича, бу қонун лойиҳаси синовининг бориши хусусида ишончли ва тўлиқ ахборотни йиғиш ҳамда инобатга олиш билан узвий боғлиқдир.

— Зеро, биз ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси нормалари реал ҳаётга қай даражада мос эканлиги, улар қай даражада давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қодирлигига оид тўлиқ ҳамда батафсил ахборотга эга бўлишимиз лозим. Мазкур мақсадларни таъминлаш йўлида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини яхшилашга йўналтирилган қарорлар қабул қилинди. Бошқача айтганда, гап давлат органларининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотни жамоатчиликдан тегишли сўровларни кутиб ўтирмасдан тақдим этиши ҳақида кетмоқда. Бу эса веб-сайтларга маълумотларни жойлаштириш, матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этиш, ОАВда материаллар бериб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида архив ва ахборот-кутубхона фондларига ахборот тақдим қилиш каби жараёнлар билан муштаракдир.

Йиғилишда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий экспериментнинг боришини ёритишдаги иштироки ҳақида ҳам сўз юритилди. Эътироф этилганидек, ушбу жараёнларнинг холис ва тўлиқ ёритилиши, аввало, журналистларнинг ҳуқуқий эксперимент мазмун-моҳияти, уни амалга оширишнинг аҳамияти, ўзига хос жиҳатларини қанчалик чуқур тушунишларига боғлиқдир. Бу борада ОАВ фаоллиги ва масъулиятини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари билан самарали ҳамкорликда иш юритиш, жумладан, керакли маълумотларни олиш учун бериладиган сўровномаларга тезкор жавоб бериш муҳим аҳамият касб этади.

— Ҳуқуқий экспериментни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда, — дейди Ишчи комиссия аъзоси, қуйи палата депутати **Дилбар ХОЛИҚОВА.** — Босма нашрлар таҳририятларига жойлардан ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳимлиги ва ролига оид хат-мурожаатлар келиб тушмоқда. Бу эса фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошиб бораётганига яна бир тасдиқдир. Умуман олганда, 2013 йил иккинчи чорагида ҳуқуқий эксперимент мавзуси бўйича 600 дан ортиқ материал эълон қилинди. Уларнинг 349 таси радио ва телевидение, 285 таси матбуот, 93 таси интернет ресурсларига жойлаштирилган. Йиғилишда таҳлилий ва танқидий руҳдаги материалларни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали амалга ошириш учун махсус веб-сайт (www.legal.experement.uz) фаолияти йўлга қўйилгани хусусида ҳам фикр юритилди. Унда ҳар бир киши қонун лойиҳаси синови қандай амалга оширилаётгани билан боғлиқ жараёнлар билан танишиб бориши, қонун муҳокамасида иштирок этиши, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳуқуқий тажриба субъектлари фаолияти хусусида бемалол маълумот олишлари мумкин.

Йиғилишда ахборот сўровларини кўриб чиқиш муддатлари, давлат органлари веб-сайтларини ривожлантириш масалалари ҳам муфассал таҳлилдан ўтказилди. Унда ишчи комиссия аъзолари ва экспертлар томонидан юқоридаги каби долзарб йўналишлар хусусида бир қатор истиқболли таклифлар ўртага ташланди.

Хулоса ўрнида айтганда, қонун лойиҳаси синови эксперимент субъектларининг масъулиятини янада ошириб, иш жараёнида янги услубларни жорий этиш имконини яратди. Тадбирда эксперимент ўтказиш юзасидан фикр ва таклифларни тўплаш самарадорлигини ошириш лозимлиги айтиб ўтилди. Бундан ташқари, жараёнларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини янада кучайтириш билан боғлиқ мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда ҳуқуқий эксперимент ўтказувчи Ишчи комиссияси тегишли қарорлар қабул қилди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон эришган муваффақиятлар Малайзияда намойиш этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақил тараққиёт йиллари мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларга юқори баҳо берар экан, **Петронас технология университетининг ректори Датук Абдул Раҳим Ҳожи Ҳошим** Марказий Осиё ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё минтақаларида муҳим ўрин тутадиган Ўзбекистон ва Малайзия бугунги кунда кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли, мустаҳкам шериклик алоқаларини ривожлантириб келаётганини қайд этди.

**Профессор Аҳмад Фозил М. Хони “**миллий тараққиёт модели Ўзбекистонга ўтиш даврида жиддий ижтимоий силкинишлардан сақланиб қолишга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам қатъий туришга ҳамда аҳоли фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлашга ёрдам берди”, деди.

**Петронас технология университети ректорининг ўринбосари Муҳаммад Нур Росли бин Баҳаром** турли дин, миллат ва маданият вакиллари ўртасида динлараро бағрикенгликнинг сақланишига нисбатан интилиш Ўзбекистон ва Малайзияни ўзаро боғлаб турадиган жиҳатлардан бири эканлигини эътироф этди.

— Бугунги кунга қадар мамлакатингиз эришган кенг қамровли муваффақиятлар замонавий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишга асосланган ўзбек моделининг самарадор эканлигидан далолат беради, — деди у.

**Малайзия Халқаро хотин-қизлар уюшмасининг президенти Норазиза Бурҳон** ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларга, уларнинг натижаларига юқори баҳо берди.

— Мен яқинда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси” мавзуига бағишланган халқаро конференция иштирокчиси сифатида Ўзбекистонга сафар уюштирганимдан бағоят мамнунман, — деди Н. Бурҳон. — Шу ўринда юртингизда “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳамиятини алоҳида қайд этишни истар эдим. Негаки, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини оширишга қаратилган ислоҳотлар мамлакатингиз аҳолисининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада рағбатлантирмоқда.

**«Жаҳон» АА.**
Куала-Лумпур

## Амалий натижалар муҳокамаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда жорий йилда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида ҳам атрофлича маълумот берилди. Чунончи, 210 та стационар оромгоҳда 141 минг 447 нафар, шунингдек, 790 та мактаб ва касб-ҳунар коллежида ташкил этилган кундузги оромгоҳда 128 минг 928 нафар бола соғломлаштирилди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида жамоа шартномалари орқали эҳтиёжманд оилаларнинг 24 минг нафар фарзанди имтиёзли ва бепул соғломлаштирилди. 15-18 ёшли ўсмирлар учун жойларда “Меҳнат ва дам олдириш” оромгоҳи ташкил этилиб, 2641 нафар ўсмирга дастлабки ижтимоий фойдали меҳнат кўникмаларини бериш билан биргаликда, уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари таъминланди.

Йиғилишда яна бир муҳим масала — тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Мазкур йўналишдаги ишларни янада яхшилаш мақсадида Федерация Кенгашининг интернет тармоғидаги портали тегишли талаблар даражасида янгиланиб, ахборотларнинг мавзу жиҳатдан қамрови кенгайтирилганлиги қайд этилди. Шу билан биргаликда, аъзо ташкилотлар веб-сайтларини такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Раёсат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## КЎРГАЗМА

## «BankExpo — 2013»

*Наманган шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “BankExpo — 2013” миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Наманган вилояти бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда иштирокчиларга банк-молия тизими ютуқлари ва истиқболдаги ривожланиш йўллари тўғрисида атрофлича маълумот берилиб, улар янги технологиялар ҳамда хизматлар билан яқиндан таништирилди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятдаги банк муассасаларида мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини такомиллаштириш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биргина 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун молия муассасалари томонидан 225 миллиард сўмдан зиёд ёки аввалги йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўп кредит маблағлари ажратилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу борадаги кўрсаткич 150 миллиард сўмдан ошди.

Кўргазма дастурига мувофиқ, иштирокчилар учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш билан боғлиқ имтиёз ва имкониятлар юзасидан давра суҳбатлари, семинар, тақдимот ҳамда учрашувлар ташкил этилди.

Шунингдек, тадбирда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ёш тадбиркорларнинг бандлик дастури ижросини таъминлашга қаратилган лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Кўргазма якунида мазкур йўналишда юқори кўрсаткичга эришаётган тижорат банклари алоҳида номинациялар бўйича тақдирланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

## бугунги кунда ўз самараларини бермоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Замонавий тиббиёт ҳар бир мутахассисдан янада масъулиятли бўлишни талаб этади,— дейди бирлашма бошлиғи Барака Абдуллаев. — Малакали шифокор нафақат беморларнинг тез ва асоратсиз соғайишига астойдил ҳаракат қилиши, шу билан бирга, илғор технологиялардан фойдалана билиши ҳам жуда муҳим. Чунки бундай ускуналар беморларга аниқ ташхис қўйишда асосий воситадир.

Бу ерда операция жараёни, умуман, барча муолажаларни замонавий компьютер орқали бошқариш ва кузатиб бориш мумкин. Бундай имконият эса камдан-кам клиникаларда мавжуд. Шунинг учун ҳам бирлашмамизга келган Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки вакиллари яратилган шарт-шароит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо беришди. Қувонарлиси, Президентимиз қарорига асосан амалга оширилган оптималлаштириш тадбирларининг муваффақиятли якунланганини муносабати билан бирлашма тиббий муассаларига “Саломатлик — 3” лойиҳаси томонидан 1 миллион АҚШ доллари миқдорида ускуналар ўрнатилди.

Дарҳақиқат, бундай шароитни 22 йил илгари тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Бугун эса 240535 нафар киши яшайдиган туманда 5 та қишлоқ участка шифохонаси, 16 та қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, сил касалликларига қарши кураш диспансери, саломатлик маркази, хўжалик ҳисобидаги стоматология поликлиникаси, юқумли касалликлар шифохонаси, 14 та дорихона хизмати йўлга қўйилган. Саломатлик ҳафталикларида болалар ва хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилаётир. Хусусан, 2012 йили 47371 нафар туғиш ёшидаги хотин-қизлар ана шундай кўрикдан ўтказилиб, уларга саломатлигини тиклаши учун керакли тавсия ва йўлланмалар берилди.

— Қизим Мунираниннг тоби қочгач, тезда шу ерга олиб келдим. Малакали шифокорларнинг тавсия ва муолажасидан кўнглим тўлди, — дейди Нодира Хурсандова. — Шуниси қувончлики, фарзандларимиз ва ўзимизнинг саломатлигимизни тиклаш учун энди аввалгидек, узоқ масофаларни босиб ўтишга ҳожат қолмади. Бу ерда ҳар бир касаллик бўйича мукаммал текширувдан ўтиб, керакли муолажаларни олиш мумкин. Шунингдек, шифокорлар жойларда бўлиб, болаларимизни, кексалар ва аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишаётганидан ҳам жуда мамнунмиз.

Соғлик энг катта бойлик, дейди халқимиз. Бинобарин, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва асраш энг шарафли ҳамда савоб амаллардандир. Шунинг учун ҳам инсон умрининг мазмуни, бахту қувончини мужассам этгувчи бебаҳо неъмат — саломатликни мустаҳкамлаш, айниқса, келажак авлодни дунёга келтираётган оналарни эъзозлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар энг асосий ютуқларимиздан бири, десак, янглишмаймиз.



**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Истиқлол сурури



# ҚАЛБИМ ҒУРУРГА ТЎЛАДИ

*Буғдойзорнинг сирли шовуллашини тинглаганмисиз? Тилла ранг бошоқларнинг ўз тилида шивирлаганини-чи? Офтоб тиғларини санчиб турган маҳали ғарқ пишган бошоқлар тириклик қўшиғини айтади. Бу қўшиқни фақат комбайнчилар эшита олади, десам, муболаға эмас.*

*Бугун биз энг сўнгги русумдаги комбайнларни бошқараяпмиз. Унинг номи "Клаас"! Кўриниши салобатли. Лекин бу техникани бошқариш жуда қулай. Оператор кабинасидаги шароит офисдагидан қолишмайди. Совитиш тизими билан жиҳозланган. Шунинг учун ташқарида қандай ҳарорат бўлишидан қатъи назар, ичкари мўътадил. Шовқин, чанг асло кирмайди.*

*17 йилдирки, комбайн бошқараман. Илгари ғалла ўрим-йиғимига жалб этиладиган техникаларда ёнилғи сарфи юқори, иш унумдорлиги пастлиги оқибатида ҳосилни йиғиштириб олиш муддати узайиб кетар эди. Бугун-чи? Деҳқонларнинг пешона тери эвазига етиштирилган буғдой жуда қисқа фурсатларда саранжомланади. Нега деганда, "Клаас"нинг иш унумдорлиги юқори. Масалан, мен бу йилги мавсумда бир кеча-кундузда 15-18 гектардаги донни ўриб-янчиб олдим.*

*Буёғини сўрасангиз, бундай комбайнлар энди ўзимизда чиқаяпти. Германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда Тошкентдаги заводда йиғилади. Зўр-а?! Мана буни юксалиш, ривожланиш, деса бўлади.*

*Комбайн оператори сифатида юртимизда бўлаётган бундай ўзгаришлардан ғурурланаман, ич-ичимдан қувонаман. Истиқлолимиз байрами арафасида юртимизнинг улкан хирмонига ҳисса қўшганимдан ниҳоятда мамнунман.*

**Ғайрат ОБЛОҚУЛОВ,**
**Кармана туманидаги «Ибрат» фермер хўжалиги комбайн оператори.**

# Корхонанинг салмоқли ҳиссаси

*Пахтаобод туманида жорий йилнинг олти ойида пудрат ташкилотлари томонидан 14 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,7 миллиард сўм юқори кўрсаткичдир.*

ИНТИЛИШ

Эришилган ана шу муваффақиятларда яқинда ташкил этилган "Саноат" масъулияти чекланган жамияти жамоасининг ҳам салмоқли улуши бор. Илғор технологиялар билан жиҳозланган корхонада йилига 1 миллиард 353 миллион сўмлик темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

*Иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда молия муассасаларининг барқарор ва ишончли фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугун юртимизда банк соҳасини такомиллаштириш, молия муассасаларининг мижоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.*

TURON BANK

# Ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорлик



Реклама ўрнида

Албатта, бу борада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси мижозларга кўрсатилаётган молиявий хизмат турлари кенгайтирилиб, уларнинг сифати янада яхшиланиб бораётганида намоён бўлаётир. Бинобарин, Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам республикамизда молия-банк тизимида қўлга киритилаётган ижобий ўзгариш ва ютуқларни алоҳида таъкидлаган эди. Бундай муваффақиятларни очиқ акциядорлик тижорат "Туронбанк"и фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Айни пайтда берилаётган кредитларнинг катта салмоғи саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Ушбу соҳаларни молиялаштириш натижасида банк кредит портфели ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 74,1 миллиард сўмга кўпайиб, 392,8 миллиард сўмга етди. Жорий йилнинг ярим йиллик якунлари бўйича банкнинг соф фойдаси эса 11 миллиард 24 миллион сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу давридагига қараганда, 8,5 миллиард сўмга ошди. Натижада банк жами капитали 59,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда банк маблағлари асосида фаолият юритиб, иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган саноат корхоналари ҳам талайгина. Масалан, мазкур молия муассасаси томонидан киритилган инвестиция ҳисобига собиқ "Фарғона ип-газлама" ишлаб чиқариш корхонаси негизида ташкил қилинган "Фарғона Турон Текстиль" масъулияти чекланган жамиятига Германиянинг "Truetztschler" фирмасидан замонавий ип-йигирув дастгоҳлари олиб келиниб ўрнатилди. Пировардида йилига 8100 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 520 кишининг бандлиги таъминланди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ўз навбатида, банк бу орқали нафақат юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшмоқда, шу билан бирга, даромад олишга ҳам эришаётир. Хусусан, 2013 йилнинг июнь ойида "Фарғона Турон Текстиль" МЧЖни хорижий инвесторларга шартнома асосида тасарруф этишга берди. Натижада "Туронбанк" 4,7 млрд. сўм миқдорида даромад олди.

Мухтасар айтганда, банк мижозлари сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорликка қурилган стратегиянинг эътиборли самараларидир.

**Банк матбуот хизмати.**

● Эълонлар ●

**«ELITE STARS TEXTILE» МЧЖ**

**ўзида ишлаб чиқарилаётган қуйидаги маҳсулотларни сотиш учун тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этади:**

**Калава ип:**
— Nm 34/1 Калава ип;
— Nm 34/1 Калава ип (нестандарт).
**Пахта чиқиндилари:**
— Стандарт - I (мычка);
— Стандарт - 3 (очёс трёпальный);
— Стандарт - 3/1 (орешек трёпальный);
— Стандарт - 7 (очёс кардный);
— Стандарт - 33 (пух);
— Стандарт - 36 (путанка).

*Маълумот учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин.*

**Манзил: Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 3-уй.**
**Тел.: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98.**
**Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: uzpsbinvest@gmail.com ва psbinvest@gmail.com**
**Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.**
**«Elite Stars Textile» МЧЖ**
**тел.: (+99891) 376-25-45. Факс: (8-361) 554-21-10.**
**E-mail: elitestarstextile@mail.ru**

1254R/723

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
**9.00 дан 18.00 гача**
**232-11-15, 236-09-25.**
**E-mail: reklama@xs.uz**
02

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Бойсун тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 5 мартдаги 19-1303/681-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, «Сайроб» ҚФЙ, Сайроб маҳалласида жойлашган, «Сонушроқ-Сервис-Сурхон» хусусий корхонасига тегишли, умумий майдони 5000,0 кв.м. бўлган АЁҚШ биноси (оператор биноси, бостирма, ёрдамчи бино, девор, резервуар, колонка) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 55 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 2 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 30 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 6 июлдаги 19-1207/6418-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Т. Мирзаев кўчаси, 120-«Г» уйда жойлашган, «Аваз Амин» ХТСДга тегишли, умумий майдони 5958,48 кв.м. бўлган маъмурий ва хўжалик бинолари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 31 600 000 сўм.***

Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2012 йил 4 сентябрдаги 1-19/12-24-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Сеплон» ҚФЙ, Ғўрин-Гилабоб маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1620,30 кв.м. бўлган 1 қаватли, 7 хонадан иборат яшаш уйи такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 12 октябрдаги 1-1922-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, М. Келдиев кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 1000,0 кв.м. бўлган, 1993 йил қурилган, 1 қаватли, 5 хонадан иборат яшаш уйи.

***Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.***

**2.** Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 12 октябрдаги 1-1923-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Денов» ҚФЙ, Дўстлик маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1488,0 кв.м. бўлган, 1992 йилда қурилган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат яшаш уйи.

***Бошланғич баҳоси — 14 000 000 сўм.***

**3.** Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 12 октябрдаги 1-1926-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, Ш. Қобилов СИУ, Янгиобод маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1950,0 кв.м. бўлган, 2006 йилда қурилган, 2 қаватли, 4 хонадан иборат яшаш уйи.

***Бошланғич баҳоси — 10 773 343 сўм.***

**4.** Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 12 октябрдаги 1-1928-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Бобур кўчаси, 61-уйда жойлашган, умумий майдони 396,0 кв.м. бўлган, 1987 йил қурилган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат яшаш уйи.

***Бошланғич баҳоси — 80 810 260 сўм.***

Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1776-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Ялти маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1608,0 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 1 298 850 сўм.***

**2.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1778-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Бахштепа маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер мадони 1230,0 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 26 725 870 сўм.***

**3.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1780-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Ялти маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 2680,0 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 12 500 000 сўм.***

**4.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1781-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Элобод» ҚФЙ, Ялти маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1500,0 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 18 750 000 сўм.***

**5.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1781-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Элобод» ҚФЙ, Ялти маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1000,0 кв.м. бўлган 1 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 12 500 000 сўм.***

**6.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1807-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Ж. Хўжамиёров» ФУ, Қораариқ маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 3136,0 кв.м. бўлган 4 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.***

**7.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1808-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Боботоғ» ФУ, Ҳожибобо маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1500,0 кв.м. бўлган 2 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 2 642 100 сўм.***

**8.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1811-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Элобод» ҚФЙ, Ялти маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1500,0 кв.м. бўлган 1 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 12 500 000 сўм.***

**9.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1817-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Олатемир маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1000,0 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 12 500 000 сўм.***

**10.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1819-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Ялти маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1500,0 кв.м. бўлган 4 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 18 750 000 сўм.***

**11.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1820-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Яккабоғ маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1850,0 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 2 691 600 сўм.***

**12.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1822-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «У. Дониёр» ФУ, Какайди маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1680,0 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 11 724 000 сўм.***

**13.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1824-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 55-уйда жойлашган, умумий ер майдони 77,0 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 12 500 000 сўм.***

**14.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 5 октябрдаги 1-1825-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Амир Темир кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 750,0 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 26 100 000 сўм.***

**15.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 ноябрдаги 19-1206/12520-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Ялти маҳалласи ҳудудида жойлашган, Ҳамкор-Шабада хусусий фирмасига тегишли, умумий ер майдони 258,56 кв.м., фойдаланиш майдони 222,56 кв.м. бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 31 250 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 19 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 16 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027; МФО: 01063; СТИР: 207122519.

**Буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон (8-376) 227-57-94. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1263R/1453

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Оқ олтин тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 23 январдаги 1-313/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оқ олтин тумани, «А. Тоиров» СИУда жойлашган, умумий майдони 277,15 кв.м. бўлган маиший хизмат уйи арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 176 346 052 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 30 август куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳри СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 13 ноябрдаги 12-0903/4449-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Ш. Рашидов маҳалласи, Ш. Рашидов кўчаси, 19-уйда жойлашган умумий қурилиш майдони 931,43 кв.м., фойдаланиш майдони 1878,75 кв.м.дан иборат бино ва иншоотлар мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 761 019 983 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани судининг 2013 йил 12 апрелдаги 1-110/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон тумани, «Мирзо Улуғбек» СИУ ҳудудида жойлашган умумий қурилиш майдони 973,0 кв.м., фойдаланиш майдони 889,0 кв.м., умумий ер майдони 2205,0 кв.м. бўлган чойхона-тўйхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 512 331 156 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 20 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 16 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилоятининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006; МФО: 00373; СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1261R/1453

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Ауцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 10 майдаги 10-1219/5210-сонли ва 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м. бўлган, жами 18 хонадан иборат 2 қаватли маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 145 189 007,97 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2011 йил 10 августдаги 1-1496/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уйда жойлашган, 3 та блокдан иборат: «А» блок — 2052 кв.м., «Б» блок — 291 кв.м., «В» блок — 100 кв.м. бўлган «Бизнес маркази» такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 398 293 530,4 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 19 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 16 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0001.*

1260R/1453

**«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ**

**савдолар залида 2013 йил 19 август ва 6 сентябрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектларни такроран сотувга қўйилганлигини маълум қилади.**

ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 5 ноябрдаги 1-89-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд ижрочилари Самарқанд шаҳри бўлими томонидан савдога қўйилган қуйидаги мулк такроран савдога қўйилмоқда:

Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 109-уйнинг 72, 73, 74-хонадонлари.

***Бошланғич баҳоси — 228 115 000 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!***

Ушбу мол-мулк 2013 йил 19 августдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 6 сентябрь куни ўтказилишини маълум қиламиз. Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳар «Амир Темур» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй.**
**Тел.: (8-366) 239-65-88.**

***Лицензия: 0038.***

1264R/477



Истиқлол сурури

# ИҚБОЛИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

*Ҳунарманднинг елкасига офтоб теккани рост бугун. Минг бир имкониятy имтиёз-а. Қаранг, иш бошлайман, одамларни ишли қиламан, десангиз сармоя ҳам нақд, харидор ҳам тайин. Давлатимиз қўллаб-қувватлаб турибди. Қаерга бормайлик, ҳурматимизни жойига қўйишади. Турли танловлар, фестивалларда мукофотлар билан қайтаяпмиз.*

*Ўзим ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман. Устахонамиз Бухоро шаҳри марказида жойлашган. Бу ердан сайёҳлар қадами узилмайди. Шу десангиз, уч-тўрт тилда зарур сўзларни гапиришни ўрганиб олганман. Чет элликларга маҳсулотларимиз ҳақида тушунтираман. Баъзида буюртмалар шунчалик кўпайиб кетадики, қўлимиз қўлимизга тегмай ишлаймиз. АҚШ, Саудия Арабистони, Европа давлатларидан келган кўплаб меҳмонлар учун совғабоп буюмлар ясаб берганмиз. Улар хурсанд. Биз ҳам. Ҳатто чет эллардан "Фарзандимни шогирдликка олинг", деган мурожаатлар бўлди. Ҳар йили ўнлаб ҳамкасбларим дунёнинг манаман деган мамлакатларида бўлиб, халқаро кўргазмаларда қатнашиб келишмоқда. Қувончлиси, шогирдлар қанотимизга киришаяпти. Санжаржон, Нодиржон, Қобилжонларнинг бири "Келажак овози" танлови ғолиби, бири ҳоким стипендианти, яна бири халқаро кўргазмалар иштирокчиси... Бир шогирдим меҳмонхоналар учун ўймакорлик усулида эшиклар, яна бири янги иморатлар учун ёғоч устунлар тайёрлайди. Ишларини кўриб, кўнглим ҳаяжонга тўлади.*

*Иқболимдан айланай, ҳунаримдан бахт топдим. Бугун бу бахт оилам, фарзанду набираларим бошида соябон.*

**Ҳусан ҚОСИМОВ,**
**ҳунарманд уста.**
Бухоро шаҳри

## «АБИТУРИЕНТ — 2013»

*Абитуриентлар ҳаётидаги ҳаяжонли дақиқалар тобора яқинлашмоқда. Зеро, энди талаба бўлиш истагидаги йигит-қизлар ўз билимларини синовдан ўтказадилар ва мустақил ҳаёт бўсағасидаги ушбу имтиҳонда, албатта, кимнинг мақсад сари қай даражада интилганлиги аён бўлади.*

# Тест билимдонларни аниқлайди

**Эртага мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида 480407 нафар абитуриент синовдан ўтади.**

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўқиб-изланган, ўз устида тиним билмай ишлаб, билимларни пухта эгаллаган ёшлар, шубҳа йўқки, тест синовларини ижобий топшириб, ўзлари орзу қилган мутахассислик бўйича таълим олишга муваффақ бўладилар.

Барчага аёнки, бугун олий таълим муассасаларига ўқишга киришда абитуриентлар учун тест синовлари жорий этилганлиги ёшларнинг билим ва салоҳиятини аниқлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим тизимини ривожлантиришга доир бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилишдан кўзланган мақсад ҳам мамлакатимизда ёш авлоднинг етук маънавиятли, билимли ва юксак малакали мутахассис бўлиб камолга етишини таъминлашдир.

Шуни қайд этиш жоизки, Президентимизнинг жорий йил 11 июнда қабул қилинган "2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, тест синовларини ташкил этиш ва белгиланган тартибда ўтказиш учун бир қатор ташкилий ҳамда амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тест синовлари ўтказиладиган бино ҳамда аудиториялар белгиланган талаблар асосида ҳозирланди. Бу йил тест синовлари ўтказиш учун 500 га яқин бино, 14300 дан ортиқ аудиториялар тайёрланди ва уларнинг дислокацияси ўрганиб чиқилди. Давлат тест марказининг 2800 дан зиёд вакиллари ҳамда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тавсия этилган 42 мингдан ортиқ аудитория раҳбарлари, шунингдек, кузатувчилар рўйхати шакллантирилди. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари билан ҳамкорликда Давлат тест маркази вакиллари ҳамда аудитория раҳбари ва кузатувчиларининг вазифалари, уларнинг тест синовлари давомида бажарадиган ишларига оид тарқатма материаллар тайёрланди.

Табиийки, тест синовларида ўзаро рақобат муҳити йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йил, айниқса, Термиз давлат университетида қабул квотасига нисбатан бир ўринга 14,9 нафар абитуриент тўғри келган бўлса, Гулистон давлат университетида бир ўринга 14,6 нафар, Қарши, Андижон, Фарғона давлат университетларига ҳам ҳужжат топширган абитуриентлар сони қабул квотасига нисбатан ўртача 13 нафар ва ундан юқорини ташкил этди.

Яна рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2005 йили бир ўрин учун 4,7 абитуриент курашган бўлса, 2006 йили бу рақам 5,4 кишига етди. Ўтган йили бир ўрин учун 7,6 киши даъвогарлик қилганди. Жорий йилда эса мазкур кўрсаткич янгиланиб, республика бўйича ўртача танлов 8,5 ўринни ташкил этди. Бу барча йилларга нисбатан мутлақ рекорд кўрсаткичдир. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, олий ўқув юртлари остонасига қадам қўяётган йигит-қизларимиздан муносиблар ичра муносиби танлаб олинади.

Шу ўринда эртага бўлиб ўтадиган тест жараёнлари ҳақида ҳам тўхталсак. Абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган куни бино ҳудудига соат 8.00 гача, аудиторияга соат 8.30 гача фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорти билан киритилади. Тест синовлари бошланган (соат 8.30)дан кейин абитуриент аудиторияга киритилмайди.

Соат 8.30 дан 9.00 гача абитуриентлар жавоблар варақасини тўғри тўлдириш тартиби билан танишадилар ва унинг тегишли жойига ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ёзадилар. Бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

Абитуриент жавоблар варақаси рақами билан саволлар китоби рақамининг бир-бирига мослигини ва саволлар китобида фанлар бўйича тест саволларида типографик хато ёки бошқа нуқсонлар йўқлигини текширади. Агар тест саволларида нуқсон бўлганда, дарҳол бу ҳақда аудитория раҳбарига хабар беради.

Абитуриентларга тест синовларида саволлар китоби, жавоблар варақаси тарқатилади. Одатдагидек, абитуриентларга 108 та тест саволи тақдим этилади. Ҳар бир саволда тўртта жавоб варианти келтирилган бўлиб, улар орасидан биттасини танлаш лозим.

Тест синовлари ўтказиладиган бинога киришда абитуриент микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, мобиль телефони, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, тест синовлари давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, абитуриент тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва Давлат тест маркази вакили томонидан далолатнома тузилиб, у тест жараёнидан четлаштирилади.

Тест синови жараёнида абитуриент томонидан саволлар китоби варағи йиртиб олинганлиги аниқланса, тест синовларини топшириш қоидалари бузилган ҳисобланади ва тест синовидан четлаштирилади.

Бугунги ёшлар ўзининг аниқ мақсади, орзу-режалари сари дадил интилувчан, шижоатли йигит-қизлардир. Шу боис улар яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилмоқда. Ана шундай эзгу ниятларни дилига туккан ёшларимизга катта ҳаёт остонасидаги муҳим синовда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

*— Ёшларимиз орасида илмга интилувчан йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилда олий ўқув юртларига 480407 нафар абитуриент ҳужжат топширганлигининг ўзиёқ бунинг яққол далилидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов. — Негаки, бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан олиб қаралса, олий таълим муассасаларига 48390 нафардан кўп абитуриент ҳужжат топширганлигини англатади. Маълумки, жорий ўқув йилида олий таълимнинг бакалавриат йўналиши учун 56607 ўрин ажратилди. Шундан 19120 нафар абитуриент давлат гранти, 37487 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.*



**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Франциянинг Лион шаҳрида енгил атлетика бўйича жисмоний имконияти чекланган ва ногирон спортчилар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.*

# Паралимпиячиларимизнинг муносиб иштироки

Спорт

Дунёнинг юзга яқин давлатидан минг нафардан зиёд спортчи қатнашган мазкур мусобақанинг уч ҳатлаб сакраш баҳсларида ҳамюртимиз Дониёр Солиев 15,06 метр натижа кўрсатиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Эътиборга молик жиҳати, Дониёр бу орқали нафақат ўзининг шахсий рекордини янгилашга, балки 2012 йил Лондон шаҳрида ўтказилган Паралимпия ўйинларининг олтин медалини қўлга киритган озарбайжонлик Олег Панютиннинг натижаси (15,02 м.)дан ҳам юқори кўрсаткични қайд этишга муваффақ бўлди.

Жаҳон чемпионати дастуридаги диск улоқтириш ҳамда уч ҳатлаб сакраш беллашувларида вакилларимиздан Ҳусниддин Норбеков ва Фаррух Мирзақулов кучли бешликдан жой олди.

Энди спортчиларимиз жорий йилнинг октябрь ойида Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги II ПараОсиё ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**тайёрлади.**


## ЭЪЛОН

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида адлия органлари ҳузурида

**"Ишонч телефони"**

хизматлари йўлга қўйилди.

**Ҳурматли ёшлар!**

Агар Сизнинг ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса ёхуд бошқа масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатга зарурат сезсангиз адлия органлари ҳузурида ташкил этилган **"1008" "Ишонч телефони"**га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз адлия органлари ҳимоясида!**



# XALQ BANKI

Реклама ўрнида

*Давлат-тижорат Халқ банки — бугунги кунда республикамиз молия муассасалари орасида ўз ўрни ва мавқеига эга. Айниқса, кейинги йилларда мазкур жамоанинг ташаббус кўрсатиб фаолият юритаётгани мижозлар сафи тобора кенгайишида муҳим омил бўлаяпти.*

**Халқ банки:**

## Замон билан ҳамқадам

Чиндан ҳам, унинг филиалларида меҳнат қилаётган ҳар бир мутахассис мижозларга қулай ва ишончли банк хизматларини кўрсатишга интилмоқда. Аҳоли орасига чуқур кириб бориш мақсадида кўплаб янги хизмат турларини таклиф этмоқда. Жорий йилнинг июль ойида эса Самарқанд шаҳрида "Чакана банк хизматлари маркази" фаолияти йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Бу ерда аҳоли ва мижозларга турли йўналишлар бўйича банк хизматлари кўрсатилиб, тизимга оид маълумотлар, зарур маслаҳатлар берилмоқда.

— Халқ банки билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келаман, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Света Потапова. — Янги марказ эса биз, мижозлар учун яна бир қулайлик яратди. Чунки ушбу замонавий бинода аҳоли ва мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бундан хурсандмиз, албатта.

"Чакана банк хизматлари маркази" зарур компьютер техникалари билан тўлиқ жиҳозланган. Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ва халқаро пул ўтказмалари шохобчалари ишлаб турибди. Шунингдек, марказда пластик карточкаларга маблағларни юклаш ёки "UzPaynet" тизими орқали телефон тўловларини амалга ошириш мумкин. Талабга кўра, ёш оилаларга истеъмол кредитлари ҳам ажратилади.

— Марказда кўрсатилаётган замонавий хизматлардан, тўғриси, ҳайратланасиз, — дейди "Садаф" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наргиза Усмонова. — Бундан ташқари, у шаҳарнинг аҳоли гавжум ҳудудида жойлашган эмасми, фуқаролар йўл-йўлакай банк билан боғлиқ ишларини битириб олишмоқда. Ўйлайманки, бу аҳолининг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, молия муассасаси ташаббуси билан шу кунгача республикамизнинг турли ҳудудларида бир нечта шундай марказ ташкил этилди. Уларда кўрсатилаётган хизматлар эса барчага маъқул бўлмоқда. Шу боис келгусида вилоятнинг бошқа туманларида ҳам "Чакана банк хизматлари маркази"ни очиш мўлжалланмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқ аҳолисини замонавий банк хизматларидан баҳраманд этиб, уларнинг ишончини оқлашдир.

**Банк матбуот хизмати.**


***Маълумки, шу кунларда мамлакатимизда "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида ушбу нуфузли санъат анжуманининг ташкилий масалалари хусусида ташкилотчилар томонидан муфассал ахборот берилди.***

# Халқаро фестивалга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда

Айтиш керакки, 1997 йилдан буён дунё тамаддуни марказларидан бири — Самарқандда ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дунё халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Ўтган давр мобайнида мазкур фестиваль кўлами тобора кенгайиб, унда иштирок этувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Дастлаб 1997 йилда ушбу санъат анжуманида 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу гал 60 га яқин мамлакат санъат усталари иштирок этиши кутилаяпти.

Матбуот анжуманида шу кунларда меҳмонларни кутиб олиш ва концерт дастурларини юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар якунланаётгани таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивали доирасида "Шарқ мусиқа анъаналари замонавий маданият тизимида" мавзуида илмий конференция ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, Истиқлолнинг боқий шаҳридаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, музейлар ва кейинги йилларда бунёд этилган замонавий иншоотларга саёҳатлар уюштириш ҳам иш дастурига киритилган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**М. ЖОНИХОНОВ.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 20 ИЮЛДАН 26 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи ташкилотларда ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисобни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 1-сонли қарори.*

**2013 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2481 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

2. «Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи ташкилотларда мақбул ҳарорат — намлик даражасини сақлаб туриш, лаборатория ва санитария назоратини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 2-сонли қарори.*

**2013 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2482 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

3. «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 24 апрелдаги 39, 2013-27, 01/19-26/02-сонли қарори.*

**2013 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-2 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

4. «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2013 йил 26 июндаги 2013-32, 61-сонли қарори.*

**2013 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2200-3 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

5. «Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 9-сонли қарори.*

**2013 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2483 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

6. «Биринчи гуруҳга йодланган ош тузи етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 10-сонли қарори.*

**2013 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2484 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

7. «Биринчи гуруҳга шакар етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 11-сонли қарори.*

**2013 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2485 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

8. «Биринчи гуруҳга чойни етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 12-сонли қарори.*

**2013 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2486 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

9. «Биринчи гуруҳга гугурт етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 14-сонли қарори.*

**2013 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2487 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

10. «Нашрларни чоп этиш қоидаларининг 9-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2013 йил 4 июлдаги 14-м/ҳ-сонли буйруғи.*

**2013 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1561-2 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

11. «Биринчи гуруҳга музлатилган гўшт етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 6-сонли қарори.*

**2013 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2488 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

12. «Биринчи гуруҳга гўшт, сут ва балиқ консерваларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 8-сонли қарори.*

**2013 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2489 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

13. «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2013 йил 24 июлдаги 01-268-сонли буйруғи.

**2013 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

14. «Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 26 июлдаги 223-мҳ-сонли буйруғи.

**2013 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2491 (2013 йил 29 июлдан кучга кирди).**

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ жамоаси банкнинг Ички назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сайёра Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси

**Клара АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 125 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.**
**Навбатчи — Ю. Бўронов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50** 1 2 3 4 5